# ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримовнинг бу масалага нақадар катта инсоний эътибор билан қараб келаётгани жамоатчиликка яхши маълум. Шундай бўлса-да, бу соҳада у кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан амалга оширилган ишларнинг айримларини санаб ўтиш жоиз: Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланган 1995 йилда Президентимиз фармонига кўра урушда иштирок этган ва фронт орқасида меҳнат қилган юз минглаб юртдошларимиз ҳукумат мукофотлари, турли имтиёзлар билан тақдирландилар. Шу йили яна бир савоб ишга қўл урилди: урушда қурбон бўлган 450 минг аскарнинг исми-шарифи зикр этилган 33 жилддан иборат «Хотира» китоби нашр қилинди. Ҳар йили шу байрам арафасида Президентнинг махсус фармонига кўра уруш фахрийларини тақдирлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, урушда шаҳид кетган аждодларимизни, хонадонларимизнинг файзи бўлган дуогўй ота-боболаримизни жангларда кўрсатган мардлик ва матонати, тортган азоб-уқубатлари учун ҳар қанча ардоқласак арзийди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти бу байрамни **Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш, айни вақтда ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларининг қадр-қимматини жойига қўйиш куни сифатида нишонлаш ғоясини олға суриб келмоқда.**

Бошқача айтганда, Президент 9 май байрамини шўровий дунёқараш, коммунистик нуқтаи назардан туриб дабдаба қилиш ўрнига унга бугунги реал воқелик кўзи билан қараб, унинг асл моҳиятини очиб бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳаёт талаби, мафкуравий сиёсатимиз, ёшларимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш мақсадлари шуни тақозо этмоқда. Бинобарин, бу байрамнинг маъно ва мазмунини, шаклини, тарғибот усулларини, бугунги турмушимиздаги ўрни ва аҳамиятини жиддий ўйлаб кўриш, бу хусусда бош қотириш зарур.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Турли миллат, турли элатга мансуб миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қони, тортган мислсиз азоб-уқубатлари эвазига эришилган бу ғалаба бугунги кунда айрим собиқ совет республикаларидаги бир тўда шовинистлар, сохта ватанпарварлар қўлида дастак бўлиб қолмоқда. Улар бу байрамдан СССРни қўмсаш, уни тиклашга уриниш, коммунистик «дориломон кунлар»ни қайтариш учун бир восита сифатида фойдаланмоқдалар. Бундай сиёсат остида қандай мақсад ва манфаатлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу тарихий санани сохта ақидапарастлар қўлидаги ташвиқот қуролига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Бу, аввало, ўша қурбонлар хотирасига ҳурматсизлик, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Чунки энди замон, тараққиёт ҳаёт синовларига бардош беролмаган эски мафкурани кўтармайди. Хусусан, озодликка эришган мамлакатнинг истиқлол мафкураси бундай ёндашув билан асло муроса қилолмайди.

Агар шу ҳаётий хулосани тўғри англасак, деб уқтиради Президент, унинг негизидаги ҳақиқатга етиб борсак, 9 Майни урушда қурбон бўлганларни эслаш, уларнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш, ҳозир сафимизда ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари – ота-боболаримизга иззат-икром кўрсатиш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийларимизни қўлдан келганича асраб-ардоқлаш, яхши сўз билан кўнглини кўтариш, ҳурматини бажо келтириш, умрини узайтиришга ҳаракат қилиш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўйлайманки, бу аввало савоб, қолаверса, ўзбекчиликка ҳам, мусулмончиликка ҳам мос келадиган иш бўлади, дейди Президент.

Шу йил 9 Май куни юртимиз раҳбари Мустақиллик майдонида жойлашган Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётганида матбуот вакилларига интервью берган эди. Интервьюда билдирилган баъзи фикр ва мулоҳазаларни қайта эсласак:

*«Бу ерга келаётганимда, – деди Президент, – қаҳрамон шаҳарлар номлари ёзилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу номлар олтин ҳарфлар билан ёзилган. Албатта, уларга бу ном бекорга берилмаган.*

*Айни пайтда ўтган галги Ғалаба байрами кунида мана шу ерда айтган гапларимни яна бир бор такрорламоқчиман. Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб жон бераётганида, ишончим комилки, шу шаҳарларни эмас, аввалombор ўз уйларини, оқ ювиб оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрларини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғларию дўст-биродарларини ўйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, ёруғ келажаги учун жон фидо қилганлар».*

Моҳият эътиборига кўра биз ўрганиб қолган эски тушунча ва кўникмалардан буткул фарқ қилувчи бу ҳароратли сўзлар ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириши табиий, албатта.

Шу суҳбатда давлатимиз раҳбари Номаълум солдат қабри атрофини Хотира хиёбонига айлантириш ҳақида янги бир таклиф билдирди.

*«Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, уларнинг ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлур эдик. Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини пойтахтимизнинг марказий майдонида абадийлаштиришимиз лозим».*

Президентимизнинг чуқур ҳаётий мантиққа асосланган бу фикрлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ўша қонли жанггоҳларда ўлимларни доғда қолдириб шу кунларга етиб келган нуроний оталаримиз – уруш қатнашчилари бу таклиф юзасидан қизғин мулоҳазалар билдиришди.

«Юртбошимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез етиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари менинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди, – дейди Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳомбек Тўраев. – Жасорат кўрсатган, қурбонлар берган халқни ёдламоқ биз тирикларнинг бурчидир. Президентнинг Тошкентда Хотира майдони ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларимиз ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этиш тўғрисида билдирган ажойиб фикрлари қалбимда олов ёққандай бўлди...»

«Президентимизнинг 9 Май куни чин юракдан айтган беҳад таъсирли сўзларини эшитиб кўзларимга ёш келди, – деб ёзади Боғот туманида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ уруш ногирони Оғабой ота Сотиболдиев. – Бизнинг биргина Боғот туманида урушга отланган йигитларнинг 1400 нафардан зиёди ўзга ўлкаларда шаҳид кетди. Биз тириклар ана шу сафдошларимизни, тенгқурларимизни, ёш авлод эса ота-боболарнинг номларини унутмасликлари керак. Хотира ёдгорликларида барча шаҳидларнинг номлари абадиятга муҳрланмоғи лозим...»

Яқиндагина саксон ёшли тўйини нишонлаган отахон адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовор:

«Одамзод онгли ҳаёт кечираётган замонлардан бери беш минг йил ичида ўн тўрт минг марта уруш кўрди. Бу қирғин-баротларда не-не давлатлар, эл-элатлар, шаҳар-қишлоқлар йўқ бўлиб. миллион-миллион бегуноҳлар қирилиб кетди. Аммо шу урушларнинг бирортаси на кўлами, на унда қатнашган кучлар, кўрилган талофатлару қурбонлар жиҳатидан 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга тенглаша олмайди.

Бу урушда ўзбек халқи ҳам унинг барча даҳшатини татиб, жабри-жафосини тортди. Бевосита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб жон берса-да, бутун ўзбек халқи фронтча ишлаб, фронтча яшади.

Қадриабад одамларни ёдламоқ тириклар учун фарздир. Шу боисдан Президентимизнинг бу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман», – дея фикрини давом эттиради кекса адиб ва бўлғуси Хотира мажмуини миллий мазмун ва шаклда барпо этиш юзасидан ўз таклифларини баён қилади.

«Ислом Абдуғаниевичнинг биз – уруш иштирокчиларига кўрсатаётган доимий диққат-эътиборини доимо сезиб яшаймиз, – дейди яна бир уруш фахрийси И.Баликов. – Пойтахтимизда Хотира хиёбони ташкил этиш, унда урушда ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик аскарларнинг номма-ном эсланиши – бу ниҳоятда олижаноб ғоядир. Бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга иш бўлиши, шубҳасиз».

Куни кеча Президент ҳузурида бўлиб ўтган ўша кенгашда давлатимиз раҳбари яна шу мавзуга қайтиб, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар диққат-эътиборини пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мўлжалланган Хотира хиёбони қурилишини тезлаштириш масаласига қаратди.

*«Савоб ишларни асло кечиктирмаслик керак,* – деди Президент. – *Афсуски, бизда кампаниябозлик касали кучли. Баъзан эзгу мақсад билан бошланган ишларни ҳам кампанияга айлантириб икки-уч кун шов-шув қиламиз-да, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Хотира хиёбони масаласида асло бундай бўлмаслиги лозим. Чунки бу барчамизнинг умумий ишимиз, умумий дардимиз. Бу хиёбон жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан тарбиявий аҳамият касб этадиган табаррук қадамжо бўлиб қолиши шубҳасиз».*

Сўнгра Президент бўлғуси ёдгорлик мажмуининг ғоявий мазмунидан тортиб, меъморий ечимига қадар бўлган барча жиҳатларни аниқ-равшан тушунтириб, изоҳлаб берди.

*«Ёдгорликнинг марказий қисмида Она ватан тимсоли акс этиши керак. Уруш туфайли беҳад қайғу-жафолар чеккан, фарзандлари доғида кўз ёшлари дарё бўлиб оққан мунис ва муштипар, мотамсаро Она сиймоси Ватан рамзини ифодалаши лозим. Унинг маҳзун қиёфаси, ғамгин нигоҳи чексиз аламини акс эттириш билан бирга одамзотни ҳушёрликка чорлайдиган, ҳеч қачон уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, уларнинг олдини олишга даъват этадиган маъно-мазмунига эга бўлиши керак.*

*Урушда қурбон бўлганларнинг номларини ўн тўртта рамзий Хотира китобига (Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг сони) зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиш зарур. Бу хотира китобларини бетакрор меъморий усул билан яратиш лозим. Токи уларда юртимизнинг ҳар бир вилоятига хос руҳ ва нафас ифодалансин. Хотира китоблари саҳифаларига «мангу олов» ёғдуси шуъла сочиб, қурбонлар ёдини нурафшон этиб турсин. Умуман олганда, ёдгорлик мажмуини барпо этишда ҳайкалтарошлар, меъмор ва дизайнерларимиз, қурувчиларимиз миллий руҳ, миллий шаклга алоҳида эътибор беришлари лозим.*

*Биз шундай таъсирчан меъморий ансамбль яратишимиз керакки, бу муқаддас зиёратгоҳга ташриф буюрадиган ҳар бир инсон кимлигидан, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, халқимиз асл фарзандларининг хотираси қаршисида ҳурмат бажо айлаб сукутга чўмсин, элим деб, юртим деб, ватандошларим деб, уларнинг бахту саодати деб олис жанггоҳларда шаҳид бўлган инсонлар хотираси билан бевосита дахлдорлик туйғусини ҳис эта билсин».*

Президент ўз сўзида «номаълум солдат» тушунчаси хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

*«Аслида, «номаълум солдат» дегани нима? У қандай маънони англатади? Бу ибора русчадан олиниб, кўр-кўрона таржима этилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, унинг ўзбек тили табиатига ҳам, ўзбек халқи табиатига ҳам бегоналигини яққол сезиш мумкин. Негаки биз «номаълум» деганда кўпроқ ҳеч ким танимайдиган, ҳеч ким билмайдиган, зоти-зурриёдининг тайини йўқ кимсани тушунамиз. Аммо наинки фашизм вабосига қарши омонсиз жангларда жонини фидо этган салкам ярим миллион юртдошимизни «номаълум» деб ўтирсак! Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр ҳасрат бўлиб яшайди-ку! Уларнинг шу каттол урушда ҳалок бўлгани маълум-ку! Қандай қилиб уларни бугун «номаълум солдат» деган мавҳум ибора билан атаб, ўзимиздан узоқлаштиришимиз керак? Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми!*

*Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган ота-боболаримиз, ўша даҳшатли уруш йилларида ҳалок бўлгани бир парча қорахат орқали хабар этилган аждодларимиз хотираси пойида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?*

*Менинг фикримча, уларни «номаълум» деб аташ фашизмга қарши курашда қурбон бўлган шаҳидлар хотирасига соя солади. Уларни гўёки бизга дахли, алоқаси йўқ бегона кимсаларга айлантириб қўяди. Шу сабабли бу иборанинг ўрнига «шаҳид аскар», «қурбон бўлган аскар» деган ибораларни ишлатсак, ўйлайманки, халқимизнинг миллий табиати, урф-анъаналарига хос ва мос иш тутган бўламиз.*

*«Номаълум солдат» қабри тепасига ёзиб қўйилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг абадий» деган сўзларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Йўқ, биз учун шаҳид юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум, ҳеч қачон унутилмагай. Биз уларнинг номи билан бирга жасоратини абадийлаштиришимиз лозим. Шунинг учун Хотира хиёбони бунёд этганимизда қаҳрамонликни, ватанпарварликни улуғловчи, халқимизнинг руҳиятига мос тушадиган, одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган таъсирли сўзларни топиб, ёдгорлик пештоқида абадий нақш этишимиз керак. Бундай сўзларни балки Алишер Навоийдан, балки Яссавийдан, балки муқаддас ҳадислардан топиш мумкиндир».*

Инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдисиз яшай олмайди. Йиғилишда Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон берган қурбонлар, уруш баҳонасида мустамлака тузуми халқимиз бошига солган беҳисоб жабр-зулмлар ҳақида ҳам фикр билдирди.

*«450 минг ҳалок бўлган аскар – бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг сони, холос. Аммо жанггоҳларда асир тушиб фашист лагерларида жон берганлар, бедарак кетганлар – булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдири, хотираси билан ким қизиққан? Уларни ким икки оғиз илиқ сўз билан эслаган? Ёки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб, совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳисоб-китоби борми?..*

*Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-икром кўрсатиш биз – бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир».*

Бу фоний дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳамиша ёдда сақлаш – халқимизга хос эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам Хотира хиёбони барпо этиш ҳақидаги юртбошимиз таклифи ва ташаббуси халқимиз, миллатимизнинг айни кўнглидаги иш бўлиши шубҳасиз. Энди енг шимариб, пок ният ва улуғ мақсадлар билан амалий ишга киришиш вақти етди. Президент таъкидлаганидек, сохта рамзлар эмас, **тирик хотира халқни бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади. Иродасини бақувват, иймонини бут қилади. Бўлғуси Хотира хиёбонига шу қадар катта эътибор бераётганимизнинг сабаби ҳам ана шунда.**

Ишончимиз комилки, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бу савоб ишдан четда қолмайди.

**Ҳайриддин СУЛТОНОВ**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

### Қочоқлар оқими ошмоқда

Айни пайтда Косово вилоятида тўрт ойдан буён давом этаётган ўзаро низолар бир қатор Европа мамлакатларида жиддий хавотир уйғотмоқда. Ўзаро можароларнинг кучайиши сабаб, Косово қочқинларининг сони ҳам ошиб бормоқда. Хориж матбуот хабарларига қараганда, ҳозирда Косово қочоқларининг умумий сони 49 мингдан ошиб кетди. Уларнинг 10 минг нафари Албанияда, 4 мингдан ортиғи Черногорияга кўчиб ўтган. Ачинарлиси эса, уларнинг бу ерда кун кечириши ниҳоятда оғир кечмоқда. Турар жой, озиқ-овқат маҳсулотлари жуда ҳам тақчил.

Яқинда Косово ҳукумати раҳбарияти юзага келган ушбу вазиятни тинч музакаралар йўли билан ҳал этишда НАТОни жиддий ёндашишга чақирди. Орадан кўп вақт ўтмай Брюсселда бўлиб ўтган мудофаа вазирлари иштирокидаги НАТО Кенгаши Белградга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини ёқлаб чиқди. Шунингдек, НАТО Кенгашида Косоводаги вазият ҳақида махсус баёнот ҳам қабул қилинди.

### Тинчлик сари машаққатли йўл

Яқинда Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяхунинг мамлакат чегараси ва бинолар қурилишини Фаластин ҳудуди ҳисобига янада кенгайтириш хусусидаги режаси халқаро ҳамжамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. АҚШ эса Исроил ҳукуматининг Фаластинга нисбатан олиб бораётган ушбу сиёсатини кескин қораламоқда.

Ҳаммага маълум, Яқин Шарқда бошланган ўзаро низоларга ҳам эллик йил бўлди. Шу йиллар ичида минтақада тинчлик жараёнини мустаҳкамлаш зарурати ўнлаб олий даражадаги учрашувлар доирасида кўриб чиқилди. Бироқ бу музокаралар кутилган натижани бермаяпти. Айни пайтда Фаластин томони Мадрид ва Осло конференцияларида кўзда тутилган мақсадларнинг бажарилишини, шунингдек, «Ер эвазига тинчлик» тамойили асосида минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашни талаб қилмоқдалар.

Дунё сиёсатдонларининг таъкидлашича, бугунги кунда Яқин Шарқ муаммоларини ҳал этишнинг бирдан-бир чораси – музокаралар йўли бўлиши керак. Дарҳақиқат, шундай. Негаки, ярим асрдан буён гоҳ пасайиб, гоҳ авжига чиқиб давом этаётган ўзаро низолар Исроилнинг ўзига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, Исроил Бош вазири Б.Нетаньяху юзага келиб қолган таранг аҳволни ҳисобга олиши эҳтимол. Қолаверса, урушдан ҳеч ким манфаат топмаган.



*Франция — Тулуза шаҳрининг Капитоле майдони*

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

- АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг ХХРга тўққиз кунлик расмий ташрифи бошланди.
- Колумбияда бўлиб ўтган Президентлик сайловларида консерватив блок раҳбари А.Пастериана ғолиб чиқди. Бу билан у мамлакатни 2002 йилгача бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.
- Яқинда Араб мамлакатларининг иқтисодчилари Иорданияда ўзаро кенгаш ўтказдилар. Унда улар умумараб иқтисодий иттифоқини ташкил этиш таклифи билан чиқдилар.
- Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Манделанинг Италияга расмий ташрифи якунланди. Унда Н.Мандела Италия Президенти Оскар Скалфоро, Бош вазир Романо Проди билан учрашди.

**Хориж матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**

## Матбуот ва миллий хавфсизлик

**Германиянинг Гармиш шаҳрида "Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ва миллий хавфсизлик" мавзуида халқаро конференция бошланди. Унда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, мустақил Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок этмоқда.**

**АҚШнинг Жорж Маршалл маркази томонидан уюштирилган ушбу анжуманда бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, анжуман иштирокчилари демократик жамиятда матбуот ва миллий хавфсизлик мавзуида ўзаро фикр алмашадилар.**

**Халқаро конференция 26 июнга қадар давом этади.**

**(ЎзА)**

Диққат, тажриба!

## СОМОНДАН СИЛОС

**Бу янгиликни қизилтепалик чорвадорлар қўллай бошлаганларига бир йил тўлди. Тўғрироғи, бу тадбирни тумандаги Қосим Қобилов номли жамоа хўжалиги чорвачилик фермаси мудири Истам Аҳмедовнинг интилишлари натижаси деса бўлади. Кўплар бу янгиликка ишончсизлик билан қараганлари рост. Бироқ Истам ака ўз мақсадидан қайтмади.**

– Сомондан силос бостириш у қадар мураккаб иш эмас, – дейди биз билан суҳбатда И. Аҳмедов. – Ўтган йилнинг охирида ун комбинатидан ҳар килоси 18 сўмдан бўлган 2 минг 850 килограмм биоозуқа олиб келдик. Уни туз билан бирга сомонга аралаштириб сув қўшдик. Натижада 130 тонна хушхўр силос массаси олинди. Сомондан қилинган силос одатдагидек чуқур ҳандақларга бостирилади.

Дарҳақиқат, хўжалик фермасидаги 426 бош қорамол бу йилги қишловдан моллар вазни сақлаб қолинган ҳолда олиб ўтилди. Хўжалик 4-5 йилдан сўнг 1997 йилни чорвачилик бўйича муваффақиятли якунлаб, 300 минг сўм соф фойда олишди. Қишлов мавсумида ҳам сигирлардан кунлик сут соғиб олиш миқдори 7-8 литрдан камаймади. Шунинг учун бўлса керак, хўжаликда 16 тонна гўшт, 160 тонна сут тайёрланиб, ярим йиллик режалар аллақачон бажарилиб қўйилган.

Сомондан силос тайёрлашда ишлатиладиган фермент «Триходлигнорм – 19» дейилади. Тошкент микробиология илмий текшириш институти олимларининг фикрича, сомон силосида ҳосил бўлган сут кислотаси моллар маҳсулдорлигининг ошишига олиб келар экан.

Истам Аҳмедов микробиология илмий текшириш институтида бўлиб, фермент олиш усуллари билан танишди. Унга биоозуқа ишлаб чиқариш цехлари лойиҳасини таклиф этишди. Олиб қайтди.

Энди сомондан силос туфайли келадиган иқтисодий фойдаларини ҳисоблаб кўрайлик. 1994 йилда хўжалик чорва озуқаси етиштирадиган экин майдонлари 250 гектар бўлса, 1997 йилга келиб, бу рақам 30 гектарни ташкил этди. Қорамоллар бош сони жорий йил охирига бориб, бу ерда 500 бошга етади. Тадбиркор чорводорлар ҳисоблаб кўришди: шунча молга 40-50 гектар майдон кифоя экан. Ўрнини сомондан силос билан бемалол қопласа бўлади. Сомон шундай ҳолича молларга берилганда, унинг маҳсулдорлиги жуда паст даражада бўлади. Мол унчалик хуш кўрмай нишхўрд қилади.

Сомондан силос бостирилса-чи? Бундан аъло ишнинг ўзи йўқ.

Бу тажрибани бутун вилоятда қўллашга тайёргарлик кўрилаяпти. Вилоят бўйича ғаллачилик билан шуғулланадиган 6 та туманда ҳаммаси бўлиб, 20 минг тонна сомондан силос тайёрлаш режалаштирилди.

– Одатдаги маккажўхори поясидан бостирилган силоснинг озуқа бирлиги даражасини 0,30-0,40 миқдорида ушлаш мумкин. Сомонникини 0,49 гача кўтардик, – дейди Навоий вилояти қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот маркази раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Шавкат Рўзиев. Натижа биз кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Қизилтепа туманидаги ишлар дастлабки уринишларимиз эди. Бу тажрибани Навоий туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида синаб кўрдик. Тажрибаларимиз тўлиқ ўзини оқлади. Айни кунларда Навоий дон маҳсулотлари комбинати билан ҳамкорликда кепакдан фермент – ачитқи олиш ва бошқа хўжаликларда ҳам сомондан силос бостириш борасида кенг кўламда амалий ишларни бошлаб юбордик.

Сомондан силос тайёрлаш туфайли чорва озуқаси учун суғорилиб экиладиган майдонларни сезиларли даражада қисқартириш мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар бир хўжаликда бундай майдонлар 50 гектардан қисқартирилганда эди, туманлар, вилоятлар ва мамлакатимиз далаларида қанчадан-қанча майдонлар ўз ўрнини бошқа экинларга бўшатиб берган бўларди.

**Парда ЖУМАЕВ.**

